*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 1 декабрь ШАНБА

№ 96 (12.524)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

**МАВСУМДА СУВ ТАЪМИНОТИ**

## ҚУВУРЛАР ЯНГИЛАНДИ, НАСОСЛАР ТАЪМИРЛАНДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Оҳангарон туманида манзилли дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.**

Туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси берган маълумотларга қараганда, шу йилнинг ўн ойида янги ичимлик суви тармоқлари ва иншоотлари қуриш, эскирганларини таъмирлаш-созлаш бўйича дастурда белгиланган тадбирлар якунига етказилди. Жумладан, Сусам қишлоғининг "Ўртаовул" ва Телов қишлоғининг "Шовғоз" маҳаллаларида артезиан қудуқ қайта тозаланиб, бир километр масофага янги сув қувури ётқизилди. Қорахитой қишлоғининг "Бирлик" маҳалласида янги артезиан қудуғи қазилиб, икки километр узунликда қувур тортилди. "Увак" маҳалласида қурилаётган намунавий уйларга ичимлик суви келтириш мақсадида янги қувурлар тортилиб, насос ўрнатилди ва сув чиқарилди.

"Сувоқава" корхонаси режа асосида ўз маблағлари ҳисобидан сув тармоқлари ва иншоотларини мукаммал ҳамда жорий таъмирлади. Хусусан, 2,3 метр узунликдаги қувурлар алмаштирилди. 8 та чуқур ва 2 та узатма насос ўрнатилди. Таъмир-механика цехи томини ёпиш ишлари тўла бажарилди. Фақат насос станцияси томини таъмирлаш корхонанинг молиявий аҳволи билан боғлиқ сабабга кўра ҳали охирига етмади.

Маълумотларда келтирилишича, шўъба корхонаси эҳтиёж туғилган жойларда ўз маблағлари ҳисобидан насос ва қувурларни режадан ташқари таъмирлади, зарурат бор жойларда янгиларига алмаштирди. Масалан, Айритом қишлоғида артезиан қудуғи чуқуридаги насос ва 1,5 километр узунликдаги қувурлар таъмирланиб, сув юриши равонлаштирилди. Қорахитой қишлоғининг "Булоқ" маҳалласида 440 километр масофага қувур ётқизилиб, артезиан қудуғига насос ўрнатилди. Телов қишлоғида 260 метрдаги қувур янгиланди. Янги бино қишлоғида насос таъмирланиб, ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Чет-сув коллежидаги 3 километр қувур таъмирланиб, сув таъминоти яхшиланди. 4- ва 27-умумтаълим мактабларидаги насослар кўздан кечирилиб, созланди. Эйвалик шаҳарчасида аҳолини ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш мақсадида махсус темир-бетон заводига тўртта насос таъмирлаб берилди.

Республика Президентининг "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2012-2013 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан бажарилган ишларни туман "Сувоқава" корхонаси раҳбари Рустам Қулбобоев бошчилигидаги гуруҳ ўрганиб чиқди. Ушбу мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, 2012-2013 йил куз-қиш даврида "Сувоқава" шўъба корхонаси тасарруфидаги ичимлик ҳамда оқава сув тармоқлари ва иншоотлари барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган чора-режалар тўла-тўкис бажарилди. 10 та технологик ва 3 та электр ускуна, 2,3 километр узунликдаги ичимлик ва оқава суви қувурлари мукаммал, яна 5 та технологик ва 3 та электр ускуналари, 10 километр ичимлик ва оқава суви қувурлари жорий таъмирланди.

Шунингдек, Оҳангарон шаҳрининг шўъба корхона тасарруфидаги ичимлик суви тармоғидан таъминланувчи ва мустақил қозонхоналари бўлган 14 та умумтаълим мактаби, 8 та боғча ва 4 та ижтимоий объектнинг мутасадди ходимлари билан бирга сув таъминотида муаммолар йўқлиги аниқланиб, далолатнома тузилиб, расмийлаштирилди.



**СУРАТДА:** туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси раҳбари Рустам Қулбобоев (ўртада) ва чилангарлар Улуғбек Йўлдошев, Элёр Қўчқоров.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2012 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2012 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ**

## РУХСАТСИЗ ТЕКШИРИШЛАР КАМАЙДИ

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.**

Бўстонлиқ туманида ўтказилган йиғилишга Тошкент вилояти ҳудудий комиссияси раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов раислик қилди.

Йиғилишда вилоят ҳудудий комиссияси аъзолари, молия бошқармаси ва Давлат архитектура назорати инспекцияси ходимлари ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳудудий комиссияси аъзолари, туман назорат қилувчи органлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Комиссия йиғилишида назорат қилувчи органлар шу йил 9 ой давомида ўтказган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни, республика Кенгаши ва вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари, текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан Бўстонлиқ тумани ҳудудий комиссияси ва туман жамоатчилик кенгаши олиб бораётган ишлар, текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари, республика Кенгаши ва вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари вилоят молия бошқармаси ва Давлат архитектура назорат инспекцияси томонидан қандай бажарилаётгани, назорат қилувчи органлар 2013 йилда тадбиркорлик субъектларида ўтказадиган текширишлари режа-жадвалини шакллантириш якунлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги биринчи масала – назорат қилувчи органлар шу йил 9 ой давомида ўтказган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари тўғрисидаги масала юзасидан ҳудудий комиссия раиси ўринбосари Д. Файзуллаевнинг ахбороти тингланди.

Комиссия ишчи гуруҳининг таҳририятга берган маълумотларига қараганда, давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш ва мансабдор шахсларнинг улар ишига асоссиз аралашгани учун жавобгарликни кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, жойларда 85 марта ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказилди, тарғибот тадбирлари уюштирилди. Уларда иштирок этган 9 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари вакилларига ҳукумат яратиб бераётган кенг имкониятлар ҳақида батафсил тушунчалар берилиб, савол-жавоблар жараёнида маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

**3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ**

**Инсон ҳамиша яхши гапга, хушмуомалага муҳтож. Маънавий мадад эзгу ишларга, хайрли саъй-ҳаракатларга йўл очади, яшашга рағбат беради. Айниқса, имконияти чекланган, эҳтиёжманд одамлар бир оғиз ширин сўз, озгина эътиборга интиқ яшайди.**

## БАҒРИКЕНГЛИК

Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда аввало муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатилиши айни ҳақиқат. Жамиятда ўз ўрни бўлишини астойдил хоҳлайдиган бу каби инсонлар ҳаёт учун курашишдан асло чарчамайди. Шунинг учун ҳам 3 карра жаҳон чемпиони – ўзбекистонлик ногирон-ампутантлар футбол жамоасини бугун дунё аҳли яхши танийди, уларнинг матонати ва жасорати тилларда достон бўлди. Боиси, мамлакатимизда имконияти чекланганларга бўлган эътибор, меҳр-мурувват ўзгача. Чемпионлардан "Жасорат" медали соҳиби Ҳакимжон Ҳасанов, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ва "Дўстлик" ордени соҳиби Ҳайдарали Турсунбоев вилоятимиз вакиллари. Бу аввало, ёшларга улкан рағбат ва ибратдир. Демак, имконияти чекланганлар, ногиронларнинг ҳам жамиятимизда муносиб ўрни бор. Бунинг учун албатта, ҳар бир инсонга ички интилиш, ҳаракат ва матонат зарур.

Вилоят ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Юлдуз Мирзакаримованинг айтишича, марказ аъзолари айнан шундай ҳаракатчан, интилувчан, матонатли. Уларнинг аксарияти ўз қисматини тақдир синови деб билиб, уни енгиб ўтишга аҳд қилишган.

– Ҳар қандай инсон аввало ўзига ишониши керак, – дейди Юлдузхон. – Ногирон бўлса ҳам ўзгалардан ёрдам кутиб ўтириш нафақат жисмни, балки руҳиятни ҳам шикастлайди.

**– Лекин кимдир ёрдам бермаса...**

– Тўғри, бундай ёрдамни биз, марказ фаоллари беришимиз, маънавий-руҳий қўллаб туришимиз керак. Менинг ўзим ҳам II гуруҳ ногирони сифатида бунинг аччиқ қисматини татиганман. Шунинг учун имконияти чекланганларнинг ўксик қалби, шикаста нигоҳларини ҳис этиб тураман.

(Давоми 2-бетда).

## «НАВБАҲОР»НИНГ БАҲОРГИ РЕЖАСИ

**Паркент тумани Навбаҳор шаҳарчасидаги 10 га яқин ходимдан иборат "Паркент голд чиккинг" хусусий корхонаси 7 мингта товуқни парваришлаб, кунига 4-4,5 минг дона тухум олиб, савдо мажмуаларига етказмоқда.**

– Корхонани қуриш, паррандаларни сотиб олиш учун пойтахтдаги "Ипотека банк"нинг Меҳнат филиалидан 200 миллион сўм имтиёзли кредит олдик, – дейди корхона раҳбари Равшан Далабоев. – Натижа кутилганидек бўлгани боис, олинган қарз ўрнини ёпдик. Баҳорга бориб, маҳсулотни кўпайтириш ва сифатни янада яхшилашни ният қилганмиз.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ.**

**ҚИШЛОҚЛАРГА – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ**

## ҲАР МАҲАЛЛАДА СУҲБАТ

**Олис ва чекка қишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлашда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш асосий ўрин эгалламоқда. Ўз хусусий ишини бошлаш иштиёқидаги кишиларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани бу ҳаракат кўламини тобора кенгайтираётир.**

Бўстонлиқ туманидаги Чорбоғ хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежида ўтказилган учрашувда бу ишларни янада кенг қулоч ёйдириш режалари белгилаб олинди. Унда коллеж битирувчилари, қишлоқ аҳолиси вакиллари, маҳаллалар маслаҳатчилари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева давлатимиз раҳбарининг фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида чекка қишлоқларда иш ўринларини кенгайтириш дастурининг бажарилиши, бу борада тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки ва тижорат банкларининг вилоят бошқармалари раҳбарларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик намоёндаларига, оилавий тадбиркорларга берилаётган имтиёзли кредитлар, шунингдек, истеъмол кредитлари, уларни расмийлаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаш жараёнлари ва олиш шартлари ҳақидаги суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилишда чорвачилик ва асаларичиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш чоралари ҳақида фикрлашиб олинди.

Шундай фойдали учрашувлар Хўжакент ва Хумсон қишлоқларида ҳам ўтказилди. Улардаги олтита маҳалла фуқароларига кредит олишда кўмаклашиш учун банк муассасалари ходимлари бириктириб қўйилди.

**Қобил ЮСУПОВ.**

**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

## МАДҲИЯМИЗ – ФАХРИМИЗ

**Қачонки Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўрсак, бошимиз узра бахт қуши соя солиб тургандек ҳис этамиз ўзимизни. Қачонки Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига назаримиз тушса, кўз олдимизда жонажон Ўзбекистонимиз бус-бутунлигича – осмонўпар тоғлари, чексиз яйловлари, ям-яшил водию воҳалари, тарам-тарам дарёлари, гўзал шаҳарлари, сўлим қишлоқлари, бепоён биёбонлар узра ястанган овуллари, равон-равон йўллари, жаннатий боғларию ҳосилдор экинзорлари... билан гавдаланади. Қачонки Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаcа, ҳаммамиз уни тик туриб, ўнг қўлимизни чап кўкрагимизга – юрагимиз устига қўйиб эшитамиз, сўзларига жўр бўламиз, ҳатто, унинг "серқуёш" деган биринчи сўзи янграй бошлаши билан баданларимизда Ватан туйғуси жўш уриб, этларимизда ажиб бир жимирлашни сезмай иложимиз йўқ.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида бу аниқ қилиб белгилаб қўйилганки, *"Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга".*

Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, амалда ўз тақдирини ўзи ҳал қилганини исботлади.

1992 йилнинг 10 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ўтказилган танлов натижалари асосида Мутал Бурҳонов мусиқаси ва Абдулла Орипов шеъри асосида яратилган вариант тасдиқланди.

Қонун қотиб қолган нарса эмас. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунига 2005 йили айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аммо киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан кейин орада ўтган беш йил мобайнида ҳам Давлат рамзлари ҳақидаги қонунларга баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўладиган омиллар юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунлари ижроси юзасидан назорат тариқасида ўтказилган таҳлиллар жараёни шуни кўрсатдики, давлат рамзларидан фойдаланиш масалалари ҳали тўла тартибга солинмаган, улардан тижорат мақсадларида фойдаланишни тақиқловчи ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилмаган, ушбу қонунлар талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Шуларни ҳисобга олган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунини қабул қилишга эҳтиёж туғилди.

Бу ҳужжат беш моддадан иборат. Ҳар бир модданинг ўз аниқ-тиниқ вазифаси бор. Жумладан, 3-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар баён этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилди:

**1. Давлат мадҳиясининг қаерларда ижро этилишига аниқликлар киритиш.** Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунининг уни ижро этиш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати берилган 3-моддаси олдин бор-йўғи 4 банддан иборат эди. Таҳлил этилаётган қонунда бу модданинг 11 банддан иборат янги таҳрири киритилди. Давлат мадҳияси ижро этиладиган ҳолатларнинг ҳамма учун аҳамиятли жиҳати борлигини ҳисобга олиб, янги таҳрирдаги матнни тўлиқ келтиришни лозим топдик:

*"3-модда.*

*Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:*

*1) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;*

*2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;*

*3) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;*

*4) давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида – соат 24 да;*

*5) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;*

*6) давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;*

*7) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;*

*8) ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;*

*9) умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида – янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;*

*10) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади".*

Бу тартиб-қоидаларнинг жорий этилиши айрим таълим муассасаларида ҳар куни, баъзиларида ҳар душанба куни эрталаб дарс бошланишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этиш анъанасига чек қўйишга ундайди.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси ҳам қуйидагича таҳрир қилинди:

*"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин".*

**2. Бутунлай янги қоидани жорий этиш.** "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси олдинги ҳолатида жуда мавҳум тартибда баён этилган эди: *"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар".*

Мазкур қонун ҳали бу борада ёш давлат сифатида Ўзбекистонимиз ўз миллий тажрибаларига эга бўлмаган бир маҳалда қабул қилингани учун, орадан йиллар ўтиб, ундаги айрим ноаниқликлар кўзга яққол ташланиб қолди.

Биринчидан, миллий тийнатимизда имкон қадар бош кийимни, масалан, дўппини ечмаслик одати – устун. Мадҳия янграётганда ҳамма дўпписи ёки қиш маҳали очиқ ҳавода бошқа бош кийимларини ечиши унчалар чиройли эмас ва бош кийимни бир қўлда ушлаб турган ҳолда мадҳия тинглаш ҳам у қадар маъқул кўринмайди.

Иккинчидан, бу моддадаги *"қўлини чеккасига қўйиб"* деган сўзлар айнан нимани ифодалаётгани – номаълум. Биров уни *"қўлларни икки ёнга тушириб туриш"* деб, бошқа биров эса уни *"ҳарбийларга ўхшаб, ўнг қўлни пешонанинг чеккасига қўйиб туриш"*ни ("честь" беришни) тушунади.

Учинчидан, қонунда *"ёки"*га ҳеч қандай йўл йўқ. *"Ёки"* дейиш учун иккинчи бир вазият талқини берилиши керак. Бу ердаги *"ёки"* сўзи эса бир қоидани икки хил талқин қилишга олиб келган эди.

Тўртинчидан, халқаро спорт мусобақаларида кўрамизки, аксар давлатлар мадҳиялари янграганда шу мамлакат фуқаролари ҳурмат юзасидан ўнг қўлини чап кўкрагига – юраги устига қўйиб эшитади. Қонунда кўзда тутилмаган бўлса ҳам, стихияли тарзда, яъни табиий равишда аксарият фуқароларимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаганда ҳам ўнг қўли кафтини чап кўкрагига қўйиб тинглайверди. Чунки бизда, ахир, бу миллий тамойил, яъни юксак ҳурмат белгиси ҳисобланади. Биз табиатан жуда сермулозамат, ҳурмат-эътиборни жойига қўядиган халқмиз. Бу – Ватанга, юртга, давлатимизга ҳурмат ифодаси эди.

Аммо Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этиладиган пайтларда, масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тантанасида икки хиллик юзага келиб қолган эди: давлат раҳбари, бошқа расмий кишилар икки қўлларини ёнларига тушириб, аксарият иштирокчилар, хусусан, ёшлар эса ўнг қўли кафтини чап кўкрагига қўйиб тинглар эди. Ҳолбуки, қонун ҳаммага баробар бўлиши керак эди.

(Давоми 2-бетда).

**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# МАДҲИЯМИЗ – ФАХРИМИЗ

Хуллас, ҳаётнинг ўзи бу моддадаги тартиб-қоидаларни тубдан ўзгартириш, яъни янгилашни талаб қилаётган эди. Шу тариқа мазкур қонуннинг 7-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

*"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.*

*Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади".*

**3. Ифодаларни таҳрир қилиш орқали аниқлаштириш.** "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси олдинги ҳолатида мавжуд *"мадҳия"* деган сўз *"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси"* деган сўзлар билан алмаштирилди.

Тил – ҳар доим тараққиётда, ўзгаришда бўлиб турадиган восита. Тушунчалар ҳам, қарашлар ҳам, атамалар ҳам ўзгариб бораверади. Илгари *"ўқув юрти"* дердик. Бу русча *"учебное заведение"*нинг ўта сунъий, хунук бир таржимаси, аниқроғи, калькаси эди. Тил равнақ топиб боргани сари бу атамани *"таълим муассасаси"* дейиш расм бўлди. Ана шу 8- ҳамда 11-моддалардаги *"ўқув юртларида"* деган сўзлар *"таълим муассасаларида"* деган сўзлар билан алмаштирилди.

**4. Қонун ижросини таъминлаш устидан назорат тартибига ўзгартириш киритиш.** "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси олдинги ҳолатида *"ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам"* юклатилган эди. Эндиликда эса бу банд жуда ихчам шаклда ифодаланиб, *"ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилди, ушбу Қонуннинг ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади"*ган бўлди.

**5. Тамоман янги модда билан тўлдириш.** "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонун қуйидаги мазмунга эга янги – 13-модда билан тўлдирилди:

*"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши – шарт.*

*Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади".*

Ўзбекистон Республикасининг таҳлил этаётганимиз "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги қўшимчалар киритилди:

*"1) қуйидаги мазмундаги 203¹-модда билан тўлдирилсин:*

***"203¹-модда.** Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, –*

*фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

*Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –*

*фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";*

*2) 245-модданинг биринчи қисми "203" рақамидан сўнг "203¹" рақами билан тўлдирилсин".*

Таҳлил этаётганимиз Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни 5-моддасида *"ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши"* қайд этилган. Ушбу қонун матни 2010 йилнинг 25 декабрида матбуотда эълон қилинди.

Шу кундан эътиборан мамлакатимизда ана шу қонун моҳиятини тушунтиришга, жойларда шу қонун ижросини таъминлашга бағишланган маънавий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказила бошлади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**адабиётшунос.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ**

# БАҒРИКЕНГЛИК

Ҳар йили 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунида кўпчилик "байрамингиз билан табриклаймиз" деган сўзни айтишади. Йўқ, биз учун бу кун байрам эмас. Бизга ачиниш эмас, озгина бўлса ҳам далда керак. Чунки биз ҳам нималаргадир қодир эканлигимизни кўрсатгимиз келади. Ахир бизга меҳр-мурувват кўрсатаётган она Ватанимиз ва халқимизга миннатдорлик тариқасида бўлса ҳам нимадир қилишимиз керак. Бунга имкон яратиб бераётган мустақил Ўзбекистонимиз – суянчиғимиз бор. Шу ўринда республика Тадбиркор ногирон аёллар уюшмаси раиси Зуҳра Раҳматиллаева қайта-қайта таъкидлайдиган қуйидаги фикрларни келтирмоқчиман: "Инсон ҳамиша олдинга интилиб, курашиб яшаши керак. Тақдир синовларига дош бериш улкан жасорат. Майли қўлимиз ёки оёғимиз ишламас, лекин кўзимиз кўриб, эшитиб, идрок этиш имкониятимиз бор-ку! Ёки аксинча. Демак, нимадир қила оламиз. Фақат бизга имкон беринг! Биз ишлашни, яратишни хоҳлаймиз, ўзимиз учун курашамиз, оиламизни ўзимиз ишлаб топиб, боқамиз..."

Зуҳра опа ҳозир уйда. Аммо жамиятдан ажралиб қолишни истамайди. Доимо одамлар билан мулоқотда. Улардан керакли маслаҳатларини аямайди. Одамлар билан гавжум хонадонидан ҳаёт нафаси уфуриб туради.

**– Вилоят ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази раиси сифатида яқинда иш бошладингиз. Аммо, ғайрат-шижоатингиз эътиборни тортади...**

– Бунинг боиси, бизга кўрсатилаётган эътибор, рағбат. Юртбошимизнинг 2011-2015 йилларда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги қарори бизга катта куч берди. Қолаверса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси уюштираётган "Сен ёлғиз эмассан", "Биз ёнингдамиз", "Меҳр нури" каби турли хайрия тадбирлари туфайли ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишимиз ортиб, ўзимизга ишончимиз кучайди. Мен ишни аввало, ногиронларнинг яшаш шароити, ногиронлик сабаблари билан танишишдан бошладим. Уларнинг яшаш тарзи, муҳитини ўргандим.

Марказимиз аъзолари билан соҳа мутахассислари, шифокорлар, руҳшунослар иштирокида турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказишни режалаштирганмиз. Муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш мақсадида ўтказилаётган турли тадбир, акциялар ногиронлар дардига дармон бўлаётганини таъкидламоқчиман. Саратон касалига учраган аёлларни бепул операция қилиш ёки маблағ билан таъминлаш, туғма юрак хасталиги бор болаларни даволатиш, камхарж оилалар, болалар уйи тарбияланувчилари учун никоҳ ва суннат тўйлари ўтказиб берилаётгани – барчасида эзгулик, меҳр-мурувват каби халқимизнинг бетакрор фазилатлари акс этиб турибди. Бу ишларга бош-қош бўлаётган Аёллар кенгашининг "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури" акциялари ташаббускорларига, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасига миннатдорчилик билдираман. Хусусан, Қибрай, Зангиота тумани тадбиркорларининг саховати, муруввати туфайли имконияти чекланганлар кўнгли кўтарилаётгани бошқаларга ҳам ибрат бўлса дейман.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ**

# РУХСАТСИЗ ТЕКШИРИШЛАР КАМАЙДИ

Шунингдек, вилоят адлия ходимлари Зангиота, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларида ўқув машғулотлари ташкил этиб, назорат идоралари ва тадбиркорлик субъектлари вакилларига республика Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида" ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар ҳамда тадбиркорликка оид бошқа қонун ҳужжатлари юзасидан тушунтириш берилди.

Ҳисобот даврида режадан ташқари текширишлар 41 тага камайди. Ҳудудий комиссиясига назорат идораларидан 87 та хўжалик юритувчи субъектда режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳақида тушган мурожаатларнинг 32 тасига рад жавоби берилди. 197 марта кўргазмали семинар ўтказилиб, 140 турдаги 15 мингга яқин қўлланмалар тадбиркорлик субъектларига тарқатилди. Назорат органлари ташаббуси билан 11 мингга яқин тадбиркор иштирокида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, 2871 та мурожаатнинг 2832 таси жойида ҳал этилди. Вилоят назорат идоралари қошида ташкил этилган 138 та "Ишонч телефони" орқали 910 та мурожаат қабул қилиниб, 826 таси ижобий ечим топди.

Шу билан бирга йиғилишда айрим ҳудудий комиссиялар ва назорат идоралари текширишларни тартибга солишда камчилик ҳамда нуқсонларга йўл қўяётгани кўрсатиб ўтилди. Чунончи, Чиноз, Бўстонлиқ, Бўка туманлари, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида текширилган тадбиркорлик субъектлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайишига йўл қўйилди.

Бўстонлиқ туман ҳудудий комиссияси раиси И. Ҳакимбоев "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун, республика Кенгаши ва вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари ҳамда текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Муҳокама жараёнида маълум бўлдики, туман ҳудудий комиссия фаолиятида бир қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, комиссия фаолияти Кенгаш регламентига мувофиқ ҳолда ташкил этилмаган. Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширувларнинг айримлари "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"да қайд этилмаган.

Йиғилишда текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари, республика Кенгаши ва вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари ижроси юзасидан вилоят молия бошқармаси бошлиғи Д. Ҳожиев ҳамда Давлат архитектура назорат инспекцияси раҳбари Н. Деҳқоновнинг ҳисоботлари тингланди.

Ушбу назорат идоралари амалга оширган ижобий ишлар билан бир қаторда, камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, молия бошқармаси ходимлари Бекобод туманидаги "DALVARZIN TA`MIRLASH ZAVODI" МЧЖда текшириш ўтказиб, камчиликлар борлиги аниқланган бўлсада, айбдор масъул шахсларга қонунда белгиланган тартибда жазо чораси қўлланилмаган.

Давлат архитектура назорат инспекцияси мутахассислари "Бобур" хусусий корхонаси ҳамда "TO'YTEPA METALL QURILMALARI" МЧЖда ўтказилган текширишларни "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га қайд этишда 3, 5, 6-устунларни чала тўлдирганлар.

Вилоят ҳудудий комиссияси йиғилиши муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

# УЛАР МЕҲР ВА РАҒБАТДАН МАМНУН

**Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими ташкил этилганидан буён, ҳудудда истиқомат қилаётган 6500 дан зиёд ногиронларга бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар яратиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари, қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоясини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Жамиятнинг вилоят бўлими раиси Йўлдош Ёқубжоновнинг айтишича, ногиронлар доимий эътиборда, ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазада. Аввало, меҳнатга лаёқати бор ногиронларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.**



Имконияти чекланганлар учун энг зарури – ҳаракатни енгиллаштирувчи воситалардир. Ҳар йили ўтказиладиган хайрия тадбирларида турли совға-саломлар, кўриш, эшитиш мосламалари, ногиронлар аравачалари тарқатилади. Байрамларда энг аввал ногиронларга эътибор, моддий ва маънавий рағбат кўрсатилади. Улар ҳам бошқалар қатори турли мусобақаларда иштирок этишади. 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ногирон болалар ўртасида ўтказиладиган "Мафтункор ранглар олами" расм чизиш бўйича иқтидорли болалар кўрик-танлови улар учун шодлик ва қувонч, кўтаринки руҳ бағишлайди.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими, "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми", "Аёллар кенгаши", "Келажак овози" ёшлар ташаббуси маркази, вилоят ҳокимлиги белгилаган бир қатор тадбирлари ҳали олдинда.

**Саида РАҲМОНОВА.**

# ҚОМУСИМИЗ БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент Давлат аграр университетида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусида семинар ташкил этилди.**

Университет талабалари, ҳудуддаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Конституциянинг давлат тараққиётида тутган ўрни, қонунчиликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти, ҳар бир фуқаро асосий қонунда белгилаб берилган ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши лозимлиги ҳақида сўз борди.

Бундан ташқари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиларидан иборат тарғибот гуруҳи вилоят таълим муассасаларида шундай тадбирлар ташкил этди. Ўрта Чирчиқ тумани саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган шундай семинарда Бош Қомусимиз тарихи, ундаги ҳар бир моддада инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш ҳамда эъзозлаш каби хислатлар мужассам экани айтиб ўтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Республика Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорини ривожлантириш ҳолати" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

# РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлар бозори жадал суръатларда ривожланмоқда. 2005 йилда дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар 100 та бўлса, 2012 йилнинг 1 сентябрига келиб, 238 тага етди.

Республика Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2012-2014 йилларда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг Миллий ахборот тизимига интеграциялашувчи 32 та ахборот тизимлари тўпламини яратиш ва жорий этиш кўзда тутилган.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ЗАРАРИ ФОЙДАСИДАН КЎП

**Пестицид – кимёвий синтетик восита бўлиб, улардан асосан ҳосилдорликни ошириш ва зараркунандаларга қарши курашишда фойдаланилади. Аммо ушбу жараёнда сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳаттоки, одам танаси ҳам жиддий зарар кўрмоқда.**

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили пестицидлардан фойдаланиш чоғида 2 миллиондан ортиқ заҳарланиш содир бўлаётир. Кимёвий моддаларнинг баъзилари гормонал фаол моддалар ҳисобланиб, одам танасидаги эндокрин ва иммун тизимига салбий таъсир кўрсатса, баъзилари ақлни заифлаштиради, танада моддалар алмашувини бузади ва ҳатто саратон касаллигини келтириб чиқаради.

Бу кимёвий моддалар ҳаво ва океан оқимлари ёрдамида бутун дунёга тарқалади. Ҳаттоки, Антарктида пингвинлари ва айиқлари танасида ҳам аниқлангани ҳаммага маълум.

1984 йил 3 декабрда Ҳиндистондаги пестицидлар ишлаб чиқарувчи "Бхопала" заводидаги йирик авария оқибатида даҳшатли экологик фалокат юз берди. Шундан буён ушбу кун Халқаро пестицидларга қарши курашиш куни сифатида нишонланмоқда.

Дунёнинг кўпгина давлатлари пестицидлардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаб қўйган бўлсада, муаммо ҳали жиддийлигича қолмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида 2001 йилда Швецияда "Стокгольм конвенцияси" қабул қилинди ва унга 127 та давлат имзо чекди.

Ер юзидаги барча тирик организмларга зарарли таъсир этувчи пестицид, кимёвий модда ва газлардан фойдаланишдан умуман воз кечиш мазмунини ўзида мужассамлаштирган бу Конвенция 50 та давлат ратификация қилганидан сўнггина кучга кириши кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунга келиб Конвенцияни иккита давлат (Канада ва Фиджи) ратификация қилган, холос.

– Конвенцияни имзолаш бошқа, уни ратификация қилиш бошқа, – дейди Бекобод туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси Ф. Шодмонова. – Шунинг учун бутун дунё экологлари 3 декабрь куни Конвенцияни ҳаётга татбиқ этиш вақти келди деган шиор остида акциялар ўтказмоқдалар.

Олимлар пестицидлардан фойдаланиш ўрнига ерга органик ўғитлар беришни тавсия қилмоқдалар. Пестицид ва минерал ўғитлардан фойдаланишдан бутунлай воз кечиш, улар ўрнида органик ўғитлардан фойдаланиш ва зараркунандаларга қарши табиий йўллар билан курашишни тавсия этмоқдалар.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

**ҚЎШМА ЙИҒИЛИШ**

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ва саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг қўшма йиғилишида Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари ва доимий комиссиялар раҳбарлари, шунингдек, вилоят бош иқтисодиёт, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, солиқ, божхона бошқармалари, тижорат банклари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари иштирок этишди.**

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Қўшма йиғилиш республика Президентининг "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси масаласини кўриб чиқди.

– Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш ва ички истеъмол бозоридаги товарлар сифатини яхшилашда маҳаллийлаштириш дастури муҳим аҳамиятга эга, – деди вилоят партия кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов. – Бу соҳа импортни камайтириш, уларнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар турини кўпайтириш, шу билан бирга аҳолини иш билан таъминлаш, вилоят иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қўшма йиғилишда саноат кооперациясини ривожлантириш орқали тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш ишлари атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидландики, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошира бориб, Ангрен шаҳридаги "Ангренгазмаш" масъулияти чекланган жамиятида иссиқлик қозонлари, Чирчиқ шаҳридаги "Латофат" хусусий корхонасида кўп қатламли хавфсиз ойналар, Зангиота туманидаги "Plasterm Technology" қўшма корхонасида полипропилен-поливинилхлорид қувурлар, Юқори Чирчиқ туманидаги "Similiya-Farm" масъулияти чекланган жамиятида чорвачилик учун 25 турдаги дори воситалари, Янгийўл туманидаги "Неогаленфарм" масъулияти чекланган жамиятида валериан, некарволол ишлаб чиқарилмоқда. Уларни тайёрлашда 80-100 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланиляпти.

Йиғилишда сўзга чиққанлар маҳаллийлаштириш дастурининг кўламлари, истиқболли лойиҳаларнинг самаралари, уларни кредитлаш масалалари ҳақида гапиришди. Мунозараларда тармоқ самарадорлигини таъминлашда айрим муаммоларнинг мавжудлиги таъкидланди. Хусусан, маҳсулотлар учун тўловлар вақтида тушмаётгани, дебитор қарзлар борлиги, зарур эҳтиёт қисмлар вақтида етказиб берилмаётгани, хорижий ҳамкорлар хом ашё етказиб беролмаётгани, айрим вазирлик ва идоралар тегишли лицензияни бермагани сабабли корхоналарда маҳаллийлаштириш лойиҳалари бажарилмай қолаётир. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида истиқболсиз лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариш ва ўрнига янги лойиҳалар киритиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Қўшма йиғилишда маҳаллийлаштириш дастури ижросини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди ва бу масалани Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



**СУРАТДА:** қўшма йиғилиш иштирокчилари ўзаро суҳбатда.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**1 ДЕКАБРЬ – ЖАҲОН ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ**

# ИНСОН УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ

**Ҳар йили дунёда 2,7 миллион киши одам иммунтанқислиги вируси инфекцияси билан оғриса, 2 миллион киши унинг асоратидан вафот этади.**

**Юртимизда бу бедаво дардга чалинганлар асосан 25 ёшдан 49 ёшгача бўлган фуқаролар. Бу ҳолат, шубҳасиз, барчани огоҳликка чақиради.**



Вилоятимизда мавжуд марказларда мазкур инфекция тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган профилактик, диагностика, даволаш каби тадбирлар бу инфекцияни юқтирган шахсларга саломатлиги ва меҳнатга лаёқатини тиклаш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, касалликни эрта аниқлаш, беморларга қўлланилаётган махсус даво курсларининг самарасини назорат қилиб бориш учун 1 миллион 997 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, унга 19 турдаги замонавий лаборатория ускуналари олиб келинди. Ўтган йиллар давомида ҳудудий марказларда қарийб 10 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Фуқароларда ОИТС/ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қон, биологик суюқлик, аъзо ва тўқималарнинг донори бўла олмайдилар. ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганлар тиббий кузатув остида бўлишлари шарт. Шу боис, Ўзбекистон ҳудудида қон ва қон препаратларининг зарарсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг асоссиз қўлланилмаслигини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш учун муайян лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Мамлакатимизда ОИТСга қарши курашиш маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, шунингдек, 59 та туманлараро ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида 10 та ОИТС диагностика лабораториялари фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда режага мувофиқ ОИВ инфекциясини орттириб олган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида республика ОИТСга қарши курашиш марказида 60 ўринга мўлжалланган клиника ташкил этилаётир.

Бундан ташқари ОИТСга қарши курашиш марказларида "Ишонч хона"лари мавжуд бўлиб, бу ерда мижозлар касаллик келиб чиқиши ва у юзага келтирадиган муаммолардан бохабар бўлиш имкониятига эгалар.

**Мирислом БАДАЛОВ,**
**тадқиқотчи.**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

**Ёнғин халқ хўжалигига ва хусусий мулкка катта зиён етказувчи, кишиларнинг бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари ва ҳатто бевақт ўлимга олиб келувчи тилсиз офатдир. Афсуски, тураржойларда ёнғин содир бўлишига кўпинча фуқароларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, электр асбоблари ва газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлаяпти.**

Болаларнинг гугурт билан ўйнаши натижасида ҳам кўп ёнғин чиқади ва оқибатда, кўпинча уларнинг ўзлари тан жароҳати оладилар. Шунингдек, спиртли ичимлик ичиб, уй ичида сигарет чекиб ухлаб қолиш, маст ҳолда газ ва электр асбоблардан фойдаланиш оқибатида ёнғинлар келиб чиқаётганини ҳам кузатмоқдамиз.

Тез-тез учраётган бу каби ҳолатлардан шундай хулосага келиш мумкинки, газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда арзимасдай кўринган оддий тартиб-қоидаларга ҳам оғишмай амал қилиш, иситиш воситаларидан қоронғида фойдаланмаслик, асосийси, уй ичида маст ҳолда ортиқча ҳаракатланмаслик ёнғин билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг зарур шартларидир. Шу боис, кундалик турмушда риоя қилиниши муҳим бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Кексалар ва ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг.

Иш жойингизда, уйда қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланманг.

Ёниб турган газни қаровсиз қолдирманг, уларни ёқиш ёки ўчиришни болаларга топширманг.

Газ узатгич ва газ ўчоғи ёнига буюм тахламанг, кийим-кечакларни қуритманг.

Газ узатгич ва асбобларидан газ сизиб чиқиш-чиқмаслигини текшириш учун уланган жойларга ёниб турган гугуртни яқинлаштирманг.

Қуриган шох-шабба, хазон ва чиқиндиларни ёқманг.

**Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,**
**22-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи.**
**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**қисм нозири.**



# ОЛОВ ЭРМАК ЭМАС

**Ёнғин хавфсизлиги ойлигининг илк кунлариданоқ бошқармамиз газ ва электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда туну кун рейд ҳамда тушунтириш ишлари олиб бориб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга эришмоқдалар.**

Вилоятимизда содир бўлган ёнғинларнинг аксарияти хазон, ахлат ва рўзғор чиқиндиларининг ёқиб юборилиши натижасида келиб чиқмоқда. Ҳамюртларимиз хазонларни ёқиб, атроф-муҳитга, қолаверса ўз саломатликларига путур етказаётганларини унутиб қўйишмоқда. Бу хатарнинг олдини олиш учун бевосита дахлдор идора ва хизмат ходимлари амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштиришлари керак.

Маълумки, кейинги вақтларда маҳаллаларда профилактика инспекторларининг ишига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда барча милиция-таянч пунктларида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Профилактика инспекторлари хизмат вазифалари юзасидан хонадонларга ташриф буюриб, ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини назорат остига олишган. Камчиликларнинг бартараф этилишини ҳам назорат қилиб боришмоқда.

Ҳозир кўплаб ҳамюртларимиз автомобилларини метан, пропан каби газ ёқилғисига ўтказишиб, бунинг иқтисодий фойдали эканини билиб олишган. Бироқ, унинг бошқа бир жиҳатига, яъни газ ёқилғисидан фойдаланишда алоҳида қоидаларга амал қилинмаса, кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

Шубҳасиз, ҳар бир ёнғин йўқотишдир. Унинг оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги, ногирон бўлиб қолмаслик учун барчамиз оловдан оқилона фойдаланишимиз зарур. Шундай экан, мазкур тадбирда барчамиз бирдек фаол қатнашсак, ёнғин хавфсизлиги қоидаларга ҳамиша риоя қилсак, кўплаб талафотларнинг олдини олган бўламиз.

**Мансур МИРЗАХЎЖАЕВ,**
**вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

вилоятнинг барча туманларида филиаллари мавжуд.

Вилоят обуна бўлими: 8-370-233-13-04
Ангрен шаҳар филиали: +998909018188
Бекобод шаҳар филиали: +998909592863
Бекобод туман филиали: +998935978107
Бўстонлиқ туман филиали: +998933790791
Зангиота туман филиали: +998909764793
Олмалиқ шаҳар филиали: +998909336608
Оҳангарон туман филиали: +998935082299
Ўрта Чирчиқ туман филиали: +998903531614
Чиноз туман филиали: 8-370-59-31-331
Чирчиқ шаҳар филиали: +998944025333
Юқори Чирчиқ туман филиали: +998935087267
Пискент туман филиали: +998936197733
Қибрай туман филиали: +998936138316
Янгийўл туман филиали: 8-370-60-22-034

Гувоҳнома № 000690.


**Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2012 йил 3 январь куни қуйидаги объектларни сотиш бўйича оммавий оферта савдосига таклиф этади!**

I. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 23 ноябрдаги 131-С-сонли буйруғига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод-2 қўрғонида жойлашган, баҳоси 128 872 000 сўм бўлган, "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси.

Давлат активининг умумий ер майдони 3400 кв.м, бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м. "Дам олиш маскани" бино ва иншоотларида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

II. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, И. Хайдаров ФХУ ҳудудида жойлашган, эски шийпон биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади), баҳоси 27 855 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 2016,03 кв.м, бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. Шийпон биносида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

III. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудудида жойлашган, собиқ "10-сонли умум ўртатаълим мактаб" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади), баҳоси 86 674 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 4217,93 кв.м, бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

IV. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчасида жойлашган, собиқ "3-сонли умум ўрта таълим мактаб" биноси (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади), баҳоси 102 283 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 3225,59 кв.м, бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

Давлат активларини оммавий оферта савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Оммавий оферта савдолари 2013 йил 3 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 январь куни соат 18:00.

Юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

таклиф этилаётган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, муҳрланган конвертга солинган (2 нусхада).

Оммавий оферта савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Оммавий оферта савдолари Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй манзилидаги бинонинг 10-қаватида бўлиб ўтади.

Оммавий оферта ўтказилиши ва ариза ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Тел.: 259-21-18, 259-21-24.

Веб сайт www.GKI.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Оммавий оферта савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига хабар беринг.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 26 ноябрдаги 56-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Ўрта Чирчиқ туманидаги «LIDER MUSTANG SERVIS» МЧЖга тегишли:**

"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000537 рақамли ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000538 рақамли лицензияларнинг амал қилишини 6 ой муддатга тўхтатиш юзасидан Тошкент вилояти Хўжалик судига даъво аризаси киритилиши тўғрисида маълумот беради.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Тошкент вилояти худудий бошқармаси Қуйи Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 5 ноябрдаги 4189/1-сонли ариза (буюртма)сига асосан: савдога Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2012 йил 17 майдаги 4189/1-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ИИБда сақланаётган, 2008 йилда и/ч., давлат рақами 10 Y 802 EA бўлган, "ГБАСПГВАЗ-21154-120-20" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 10 615 504 сўм.

2. Тошкент вилояти худудий бошқармаси Оққўрғон тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 29 ноябрдаги 10528/9-сонли ариза (буюртма)сига асосан: савдога ЎзРес. Ҳарбий судининг 2012 йил 26 мартдаги ҳукмига асосан, Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда и/ч., давлат рақами 11 Y 6189 бўлган, "ВАЗ-21013" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 534 544 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 3 январь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги махсус аукцион ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ИШЛАМАЁТГАН, БЎШ ТУРГАН ВА ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЭВАЗИГА БЕПУЛ БЕРИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги "2011-2012 йилларда Тошкент вилоятининг Пискент туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги 120-сонли қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.**

**Танлов ўтказиш куни** – 2013 йил 21 январь
**Танлов ўтказиш жойи** – Тошкент вилояти ҳокимияти биносида
**Манзил** – Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй.

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

| Объект номи | Жойлашган манзили | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Фаолият тури | Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм) | Бажарилиш муддати | Яратиладиган янги иш ўринлари |
| Фойдаланилмаётган ва бўш турган поликлиника биноси | Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш | 500 | 2 йил | 40 |

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охирги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов таклифлари:

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига – Тошкент вилояти ҳокимлиги ёки Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил – 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Телефон: 259-22-48, факс: 239-83-90.

Белгиланган танлов кунида объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳафтанинг ҳар душанба куни бўлиб ўтади.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш, савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига ва hususiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг (8-371) 236-27-70 телефон рақамига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Қибрай тумани СИБ томонидан такроран 22.03.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч., "Беларусь 1023" русумли, д/р. 1701 ЕК бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 39 420 900 сўм. "Арғин Савдо" УКда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

"Халқ сўзи" рўзномасининг 2012 йил 28 ноябрь № 231 (5651)-сонида МЧЖ "Realtor Garant Business" эълони чоп этилган бўлиб, шунга кўра шу эълондан 3-бўлим олиб ташлансин ва ушбу 3-бўлим МЧЖ "Sparetra" номига ўтказилсин. Мулкнинг тавсифи қуйидагича ўқилсин: Қибрай тумани СИБ томонидан 24.07.2012 й. № 1026/20410-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. "1 та комплект қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш линияси". Бошланғич баҳоси – 46 168 740 сўм. 2. "1 та комплект табиий шарбат ишлаб чиқариш линияси". Бошланғич баҳоси – 38 466 520 сўм. 3. "1 та комплект музқаймоқ ишлаб чиқариш линияси". Бошланғич баҳоси – 46 159 830 сўм.

**Гувоҳнома № 004593.**




**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такроран аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 15.02.2010 йилдаги №10-0916/20261-сонли ва Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.04.2012 йилдаги 1-785/12-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Бошланғич нархи – 61 879 500 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К. Шарипов кўчаси, 50-уйда жойлашган "Ўзёғочқогозсавдо" ОАЖга тегишли, умумий майдони 199 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино, 1-қаватининг бир қисми; II. Бошланғич нархи – 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хувайдо кўчасида жойлашган, умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4 та, ёрдамчи иншоотлар сони 6 та, қурилиш остидаги участка майдони 156,01 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 86,16 кв.м. бўлган 21-уй (ҳовли).

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 18 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

**Лицензия: № 0039.**


**«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»**

**компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади. Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.**


Утерянную круглую печать (ИНН 206786025), зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиназского района Ташкентской области на ЧП "SAIDRAHIMJON ABDULLAEV",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 07.10.2002 йилда гувоҳнома рақами 0508063 билан рўйхатдан ўтган (ИНН 431703735) якка тартибдаги тадбиркор "AXMEDOV KADIR MUSAYEVICH"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туман инспекцияси томонидан 2011 йил 8 февралда 005800-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TA-TEMA REALTOR GROUP" масъулияти чекланган жамияти фаолияти норентабеллиги сабабли ўз иш фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 127-11-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"SARDOR MEBEL" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг устав фонди 34.744.398 сўмдан 16.844.398 сўмга камайтирилади. Эътирозлар 319-48-48 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

СП ООО "SANTA VERITA" (ИНН 206935962, ОКОНХ 71150), зарегистрированное Министерством юстиции РУз (свидетельство № 279 от 19 октября 2007 года) сообщает об уменьшении уставного фонда с 203813,38 долларов США до нового размера уставного фонда – 140.000.000 сум и смене статуса на ООО "SANTA VERITA" с последующей регистрацией в Инспекции по государственной регистрации субъектов предпринимательства Юнусабадского района.

ООО "MONTAJ ENERGO LUX", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района г. Ташкента (реестр. № 002910-07 от 14.07.2010г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. М. Улугбека, д 2 (ИНН 301659357), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания учредителей от 29.11.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "DRIVER`S VILLAGE AUTO SERVICE" (СТИР 302164474) шўъба корхонасининг ҳуқуқий мақоми масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади. Тел.: 200-70-70.

Жиззах вилояти, Пахтакор туман ҳокимлиги томонидан 2005 йил 5 январдаги 1158 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JIZZAX YOG`" масъулияти чекланган жамияти ўз таъсисчиларининг 2012 йил 8 ноябрдаги 3-сонли умумий йиғилишининг қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Ариза ва шикоятлар шу эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Пахтакор шаҳри, Кравцов кўчаси, 17-уйда қабул қилинади.

ООО "ISHONCH-ANALITIKA" (ИНН 300484839), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района № 001947-09 от 14.06.2007г. Адрес: ул. А. Навоий, дом 30, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя № 12 от 25.10.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 986-85-13.

ФУТБОЛ

## ҚИЗЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

**16 ёшгача бўлган қизлардан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси 2013 йили Хитойда футбол бўйича қизлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олди.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футбол ривожига қаратилаётган доимий эътибор самарасида мазкур спорт тури мамлакатимиз хотин-қизлари ўртасида ҳам жадал оммалашмоқда.

Шри-Ланканинг Коломбо шаҳри мезбонлик қилаётган Осиё чемпионати саралаш мусобақасида илк маротаба иштирок этаётган футболчи қизларимиз "В" гуруҳида дастлабки турда мезбонларни 6:0 ҳисобида енгган эди. Гулнора Аъзамова шогирдлари иккинчи учрашувни гуруҳдаги асосий рақиб – Эрон терма жамоасига қарши ўтказиб, 3:0 ҳисобида зафар қучди. Ўйинда Дилдора Нозимованинг иккита ва Нилуфар Қудратованинг битта голи терма жамоамизни муддатидан олдин Осиё чемпионатининг финал босқичига олиб чиқди.

Футболчи қизларимиз сўнгги учрашувини 30 ноябрь куни Ҳиндистон терма жамоасига қарши ўтказади. Унда қандай натижа қайд этилишидан қатъи назар, футболчиларимиз мусобақани биринчи ўринда якунлайди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ШАХМАТ

## КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

**Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида давом этаётган Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ гран-присининг иккинчи босқич баҳсларининг еттинчи турида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов дуранг ўйнади.**



Тажрибали гроссмейстеримиз ушбу турда венгриялик Петер Лекога қарши дона сурди. Тўрт соатга яқин давом этган баҳсда шахматчилар ўттиз саккиз юришдан сўнг муроса йўлини танлади.

Етти тур давомида олти дуранг ва бир ғалабага эришган Р. Қосимжонов жами 4 очко жамғариб, пешқадамлар сафида бормоқда.

Россиялик Пётр Свидлер ва хитойлик Ванг Хао, украиналик Руслан Пономарёв ва исроиллик Борис Гельфанд ўртасидаги баҳсларда ҳам дуранг натижа қайд этилди.

Ушбу хабар узатилаётганида озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров ва америкалик Гата Камский, италиялик Фабиано Каруана ва кубалик Леньер Домингес Перес, россиялик Сергей Карякин ва ҳамюрти Александр Морозевич баҳси ҳали давом этаётган эди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ-КЎРГАЗМА

## ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ АСАРЛАРИ АҚШДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида "Муштум" журнали ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройи ташкилотчилигида "Муштум"нинг Америка альбоми" деб номланган ижодий учрашув уюштирилиб, рассомларнинг кўргазмаси очилди.**

Ижодий учрашувда "Муштум" журнали бош рассоми Ҳусан Содиқов, рассомлар Шавкат Музаффар ва Фарруҳ Тешаев Вашингтонда ўтказилган карикатурачилар Конвенсиумидаги иштироклари ва олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Рассомларнинг кўргазмага қўйилган асарлари ва сафар таассуротлари юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ҳусан Содиқов мамлакатимизда кўзга кўринган карикатурачилардан бири, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, республика ва халқаро танловлар иштирокчиси. Ижодий ишлари дунёнинг турли мамлакатларида давлат музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланади.

Шавкат Музаффар 1992 йилдан бери китоб графикаси соҳасида ижод қилади. "Муштум" журналида фаолият юритган. Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Карикатура асарлари хорижий мамлакатлардаги қатор кўргазмалар каталогларидан жой олган.

Тўйтепа шаҳрида яшаётган ижодкор Фарруҳ Тешаев мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган танловларда иштирок этиб келмоқда. Карикатура жанридаги расмлари "Муштум" журналида босилиб туради. Унинг расм чизишга қизиқиши Тўйтепада мактабда ўқиб юрган вақтларида деворий газетага расм чизишдан бошланган.

Ижодий учрашув доирасида ташкил этилган кўргазмада рассомларнинг 40 дан ортиқ карикатуралари намойиш этилмоқда. Улар орасида АҚШнинг Вашингтон, Нью-Йорк, Сан-Франциско ва бошқа шаҳарлари манзаралари акс этган расмлар ҳам бор.

Кўргазманинг очилиш маросими ва учрашувлар чоғида пойтахт ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар, рассомлар, санъатшунослар ва бошқа турли касб эгалари қатнашди.

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ИНТЕРМЕДИЯ

## ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША

(Куёвжўра, қизлар даврасига келин-куёв киради)

КУЁВ – Вой-бў, ЗАГС хонага йиғилган одамларни қаранг, шаҳарда бўйдоқ қолмаганми дейман. Умуман, бугун қизларнинг бахти очиладиган кун экан.

КЕЛИН – Йигитларнинг куни денг, Авазхон ака.

КУЁВ – Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Умуман, иккимизнинг ҳам бахтимиз очиладиган кун экан. Хурсандмисиз?

КЕЛИН – Ҳа...

КУЁВ – Мен ҳам... Ҳи-ҳи (тиржаяди).

КУЁВЖЎРА – Саидахон, биз иккимиз ЗАГСчи опа билан бу ёғини тезлаштириб чиқсак, Авазхон, сиз келин болани зериктирмай, гапга солиб туринг.

КЕЛИН – Ўлсин, қайга борсанг очередь, шапалоқдеккина қоғозини ёзиб бериша қолишса эди, қутулардик, ҳали гарнитур ҳам олганим йўқ.

КУЁВ – Шошилманг Розияхон, ўзингиз биласиз-ку, шошган қиз...

КЕЛИН – Нима?!

КУЁВ – Йўғ-е, шошилишда гарнитурнинг ёмонини олиб қўймайлик дейман-да. Шошилманг, ҳали гарнитур ҳам оламиз, кейин шапалоқдек қоғозга ҳам эга бўламиз, кейин менинг ҳусну жамолимга тўйиб, зерикарсизам...

КЕЛИН – Нима, сиз шунақа ёмонмисиз?

КУЁВ – Ҳа-да, сиз мени билмайсиз. Танишганимизга атиги уч ойгина бўлди-ку. Менинг минг бир иллатим бор.

КЕЛИН – Масалан?

КУЁВ – Масалан, ухлаб ётганимда гапирсангиз эшитмайман, бу бир. Соямни қувиб етолмайман, бу икки. Учинчидан алла айтишни билмайман. (Ҳи-ҳи-ҳи)

КЕЛИН – Ташвиш тортманг, Авазхон ака. Тўйимиз ўтсин, ундан кейин мен сизни мулла минган...

КУЁВ – А?!

КЕЛИН – Йўғ-е, мулла кўрган боладай қилиб қўяман. Ҳали менинг совунимга кир ювмабсиз...

КУЁВ – Ие, ҳали кир ҳам юваманми?

КЕЛИН – Кир ҳам ювасиз, пол ҳам артасиз. Қош ҳам терасиз. Ҳали қиладиган ишларингиз кўп. Мана, қоғозга қоралаб келганман. Қайлиғимнинг кўзида ёш, юзида ажин кўрмайин деган ҳар бир йигит қуйидаги вазифаларга риоя қилиши керак. Тўйимиз ўтганидан кейин ҳар куни эрталаб соат олтига қолмай уйғонасиз, хонада мушукдай товуш чиқармай юрасиз. Нервим ёмон, тиқ этган овозга уйғониб кетаман. Чойингиз қайнагунча қуруқ латта билан мебелларни артиб чиқасиз. Чангни кўрсам иштаҳам бўғилади, чойни хўриллатиб ичмайсиз. Чеснок емайсиз, семирмайсиз, чунки баъзан сизнинг шимингизни киядиган бўлсам, ичида ўралиб қолишим мумкин. Айтаверайми?

КУЁВ – Айтаверинг.

КЕЛИН – Хуррак отмайсиз, қитиғим келади.

КУЁВ – Хўп-хўп.

КЕЛИН – Уч ойга қолмай, сунъий шипон тўқишни, лағмон чўзишни ўрганасиз. Бунга ўртоқларингизни ҳам жалб қиласиз.

КУЁВ – Ўҳ-ҳў, мазза қиларканмиз-у... Бўлдими?

КЕЛИН – Ҳозирча бўлди. Ҳали бу лойиҳа. Камчилиги бўлса тўлдирамиз, ойимлар айтдилар: куёв шу шартларга кўнса, кўнди, бўлмаса паттасини қўлига бер. Эркакнинг уруғи Хиротдан келгани йўқ. Дарахтни силкитсанг, дув этиб роса куёв тўкилади, дедилар.

КУЁВ – Ҳазиллашаяпсизми, Розияхон?

КЕЛИН – Нега ҳазиллашар эканман. Балки сиз ҳазиллашиб уйланаётгандирсиз?

КУЁВ – Мени кечирасиз-у, сиз бизнинг уйга бека бўлиб эмас, меҳмон бўлиб бораётганга ўхшайсиз...

КЕЛИН – Бу нима деганингиз? Беш-ўн кун туриб, кейин уйингга жўнайсан деганингизми?

КУЁВ – Йўғе, мен унақа демадим шекилли?

КЕЛИН – Демаган бўлсангиз энди денг, ҳой одамлар, мен бир бечоранинг суқсурдай қизини ифлос қармоғимга илинтириб, беш-ўн кун уйимда сақлаб, кейин уйига жўнатиб юбораман, денг! Айтинг! (Келин куёвнинг ёқасига ёпишади. Ичкаридан куёвжўра билан келиннинг дугонаси югуриб чиқишади).

САИДА – Ҳай, ҳай, ўзингизни босинг, Розия! Одамлар қараб турибди, уят бўлади-я!

КУЁВ – Бунда уят борми? Уят бўлса, икки марта химчисткадан чиққан костюмни менга янги деб пулламаган бўларди.

КЕЛИН – Уятсиз деб сизларни айтиш керак. Ўгай онангизнинг эски рўмолини бошимга ташлаб ўтирибсиз. Асли тагинглар паст экан!

КУЁВ – Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг. Менинг дадам – деҳқон. Елкасини офтобда куйдириб ер суғоради, экин экади. Сизнинг дадангизга ўхшаб бозорда бирни иккига сотмайди.

КЕЛИН – Этикдан чиққан пайтавадек, латта-путтанг бошингда қолсин!

(Рўмолни куёвга отади).

КУЁВ – Шунақами? Чайқовчининг ҳаром пулига келган кийимларни кийган ҳам номард (костюмни ечиб отади).

КЕЛИН – Шим-чи? Шимни ҳам берасан!

КУЁВ – (Шошилиб қолиб ечмоқчи бўлади) Ҳозир...

КУЁВЖЎРА – Ҳой, Авазхон, нима қилаяпсан, пулини бериб қўяқол, (келин-куёв қувлашиб чиқиб кетади, орқасидан келиннинг дугонаси югуради).

КУЁВЖЎРА – Яхшиям буларнинг боши қовушмади. Тўйдан олдинги томошалари бунақа бўлса... тўйдан кейин кўрадиганимизни кўрар эканмиз-да...

**ҚАРНОҚЛИ.**

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон миллий академик драма театрида Осиё мамлакатларининг афсона, эртак ва эпос мавзуларига бағишлаб ёзилган халқаро сценарийлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Гран-при мукофоти "Бахшилик санъати" йўналиши бўйича ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг машҳур "Алпомиш" асари бўйича яратилган бадиий фильм сценарийси учун ўзбек драматурглари Мастура ва Жасур Исҳоқовлар оиласига топширилди.

**"Туркистон-пресс".**

**Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси MumtozMusiqa.Uz интернет-лойиҳаси ҳамкорлигида Германиянинг "...alba Kultur" ташкилоти раҳбари, мусиқа ва маданият менежменти, дунё мусиқаси бўйича мутахассис Биргит Эллингхаус хоним иштирокида 2 кунлик "Анъаналарни давом эттирган ҳолда..." номли мусиқий лойиҳалар менежменти семинар-тренинги бўлиб ўтди.**

## МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ

Таъкидлаш лозимки ушбу лойиҳа Гёте институтининг "Маданият ва ривожланиш" ташаббуси асосидаги Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақасидаги маданият соҳаси менежерлари салоҳият маркази" лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилаган.

Ундан кўзланган мақсад Ўзбекистонда миллий мусиқа соҳасида фаолият олиб бораётган ёш мутахассисларга мусиқа менежменти борасида маълумот бериш, бу борадаги муҳим жиҳатлар ва замонавий тажрибалар билан таништириш, иштирокчиларнинг ўз шахсий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқаришларига кўмаклашиш, жаҳон мусиқа бозори ҳақида тушунчалар беришдир.

**Ўз мухбиримиз.**

НИГОҲ

## РАҲИМОВЧА «ШОХ ВА ТУЁҚ»

**Остап Бендерни эсланг-а. Бу буюк лўттибоз идора қилган кичкина, аммо ҳар қандай рақибни "кўтариб урадиган" "Шох ва туёқ" ташкилоти қанчалик жўшқин фаолият кўрсатган бўлмасин, бу Тожикистон Ички ишлар вазирлиги бошлиғи Рамазон Раҳимов дунё масштабида ташкил этишни таклиф қилаётган ташкилот олдида чивиннинг ғингиллашидек гап. Афтидан, вазирнинг кўкнор қора дорисидан тушаётган даромадни тўлалигича ололмаётган афғон фермерларига раҳми келаётган кўринади. Маълум бўлишича, жиноят олами ҳар йили афғон гиёҳванд моддаларини сотишдан 65 миллиард доллар оларкан. Бироқ, "афғон фермерларга бу пулдан нари борса 1 миллиард доллари тегаркан, холос. Қолган пул чет элга, жумладан, банк тизими орқали чиқиб кетар ва терроризмни таъминлашга сарфланар экан" дея куюнади "раҳмдил" тожик вазири.**

Афғон фермерларидан кўкнор хом ашёсини расмий тарзда сотиб олиб, йўқ қилиш ёки фавмацевтика саноатида фойдаланиш ҳақидаги таклиф Раҳимовнинг фикрича, афғон деҳқонларининг турмуш даражасини кўтаради. Лекин, коса тагидаги нимкосани эътибордан қочирмаслик керак. Рамазон Раҳимов ўзи таклиф этаётган янгилик замирида яширинган асл мақсадини очмади. Афғон фермерлари етиштирган кўкнор хом ашёсини расман сотиб олиш йўлга қўйилса, ёғ босиб семириб кетган кўнгилчан халқаро ташкилотларнинг жарақ-жарақ валюталарини осонгина қўлга киритиш имконига эга бўлинади. Раҳимовнинг маккорона фикрича, "афюнсиз ҳаёт"га жуда иштиёқманд жаҳон ҳамжамияти кўкнор хом ашёсини харид қилиш учун устомонларча режа тузишга зўр бериб киришиб кетади. Қарабсизки, улар жирканч героин моддасини шафқатсизларча йўқ қилиб ташлаш мақсадида кўкнор хом ашёсини сотиб олиш учун Тожикистон дарвозаларида навбатга турадилар. Ана шунда Тожикистон шу бизнес "шарофати" билан бойиб кетиб, ҳурматга сазовор бўлади, мамлакатнинг фаровонлиги ўзгалар етолмайдиган юксак даражага кўтарилади.



Бу кулгили эмас, балки, ачинарли ҳол.

Бизнинг бой бўлмаган мамлакатимизда наркотрафиканинг роли ҳаммага аён. У ривожланган саноатга эга эмас, аммо, шимолда Афғонистон билан 1300 километрга чўзилган чегара бор. БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармаси баҳоладики, ҳар йили афғон таряклари, шу жумладан героиннинг 30 фоизи Марказий Осиё орқали Россия томон йўл олади ва унинг асосий қисми Тожикистон ҳудудидан ўтади. Таниқли The Economist журнали шундай хулосага келди: наркотрафика Тожикистоннинг энг қимматли ресурси бўлиб, ундан келаётган фойда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30-50 фоизига тенг.

Қўшимча қилиб айтиш жоизки, ўша фойданинг анча катта қисми гиёҳванд моддалар йўлига тўсиқ қўйиш учун ҳокимият томонидан қўйилган кишиларнинг ҳаддан зиёд кенг чўнтакларига келиб тушаяпти. Ҳар қанча мантиқсизлик бўлмасин, бизнинг мамлакатимизда наркотрафикага қарши курашувчиларнинг ўзлари асосий гиёҳфурушлардир. Жаҳон ҳамжамияти наркотрафикага қарши курашга ажратаётган юз миллионлаб долларлар эса, асосан рақобатчиларни касодга учратиш ва ёғли жойларни қўлга киритиш мақсадларига сарфланяпти.

Шу йилнинг январида Тожикистон раҳбарлари погонли жиноятчилар гуруҳи фош этилгани ҳақида хабар берган эдилар. Гап гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноят ҳақида бўлиб, бу ишга юқори лавозимли амалдорлар ҳам алоқадор эдилар. Ҳатто, президент Имомали Раҳмон ҳам ҳукуматнинг бир қатор юқори мансабли ходимларига қўлини бигиз қилиб, "бу – уят" дея таъна билан пўписа қилди. Қачонки, гиёҳванд моддаларни назорат қилиш агентлиги ходимининг ўзи контрабанда билан шуғулланса, қачонки, юқори даражадаги милиция ходими, махсус бўлимнинг гиёҳванд моддаларни бартараф этиш билан шуғулланувчи хизматчисининг ўзи шу иш билан машғул бўлса, бу – уят деб қайта-қайта такрорлади.

Республика Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари укаси ҳамда ички ишлар вазирининг жияни Фаридун Умаров Фархор тумани гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб турган пайтида қўлга олинганида "қаттиқ уятдан жуда азобланган" бўлса керак, ҳойнаҳой. Шу даражада уятли ҳолатки, на ҳикоя қилиб, на ёзиб тушунтириб бўлади буни. У Афғонистон билан чегарадош минтақадаги вазиятга жавобгар эди. Ф. Умаров чегаранинг нариги томонидаги наркоканалларга бевосита кириб бориш имкониятларидан тўла фойдаланди.

Тўғри-да, ахир қудуқ бошида чанқаб ўтирмайдику киши. Ҳукумат идораларида ишончли паноҳлари борларгина гиёҳванд модда масалалари билан шуғулланишини Тожикистонда ҳамма билади. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш яхши самара бермаётганининг сабабларидан бири гиёҳвандлик балосига чалинганлар геометрик тезликда кўпайиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Зеро, талаб бор экан, таклиф-тавсия ҳам бўлади. Афтидан, Тожикистоннинг юқори мансабли амалдорлари буни кафолатлаяптилар. Жумладан, афғон фермерлар етиштираётган кўкнор хом ашёсини сотиб олиб, кейинчалик йўқ қилиб ташлаш ёки фармацевтика саноатида фойдаланиш ҳақидаги валдир-вақи таклиф ҳам.

**Жуманазар РАФИЕВ.**
**www.tjknews.com.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистрал алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистрал алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистрал алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистрал алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистрал алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.**

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

**Алоқа кабеллари муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб алоқа кабеллари узилиши ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.**




Эсда тутинг! Агарда Сизда магистрал алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг ҳудудий Боғламаларига ёки магистрал алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган Кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистрал алоқа линияларини эксплуатация қилувчи Боғламалар ва уларнинг Кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

**"ТТТ" филиали Бириичи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов кўчаси, 29. Тел.:** (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00-17.00).

**Биринчн линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 264. Тел.:** (8-371) 265-80-43 (8.00-17.00), (8-371) 155-27-20.

**Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова кўчаси, 172. Тел.:** (8-371) 250-37-45 (8.00-17.00).

**Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштепа 4-тор кўчаси, 4. Тел.:** (8-595) 199-19-31.

**Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен кўчаси, 30. Тел.:** (8-595) 199-19-32.

**Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт кўчаси, 45. Тел.:** (8-595) 199-19-36, (8-370) 762-11-21 (8.00-17.00).

**Ангрен шаҳар кабель участкаси, А. Темур кўчаси. Тел.:** (8-593) 370-38-89.

**Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимурадов 2-берк кўча, 18-А. Тел.:** (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61, (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11.

ЭЪЛОНЛАР

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 21.04.2011 йилда гувоҳнома рақами 004373 билан рўйхатдан ўтган "ИНН 301929494" "DILSHOD SARMOYA" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "QUVVAT-HOSIL BARAKA", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района № 002747-09 от 14.03.2012г. Адрес: ул. А. Навоий, дом 44, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя № 8 от 24.10.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Ҳамза тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 002370-07 реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган Хорижий сармоя иштирокидаги "AGRIXIM" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 202571146) устав фонди 292 512 820 сўмдан 230 902 272,17 сўмга камайтирилди. Маълумот учун тел.: 269-49-33.

ООО "GOLDEN FIESTA LINE" сообщает о своей реорганизации в форме присоединения к ООО "MAVLONA STYLE". ООО "MAVLONA STYLE" становится правопреемником всех долгов и обязательств ООО "GOLDEN FIESTA LINE". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Юнусабадский район, ТашГРЭС, д. 21, кв. 108 (ИНН 300963574).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6837. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345